Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июль куни Япониянинг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичиро Мацуурани қабул қилди. Коичиро Мацуура элчилик фаолияти билан бирга ЮНЕСКО доирасида жаҳон халқларининг тарихий, маданий, маънавий ва илмий меросини авайлаб-асраш ва ривожлантиришдек хайрли ишларда ҳам фаол иштирок этиб келади. Айни пайтда унинг номзоди ЮНЕСКО Бош директори лавозимига қўйилган.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг Япония билан турли соҳалардаги ўзаро алоқалари кўлами тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молик эканини айтди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бораётганини Ўзбекистон юксак қадрлайди, деди, жумладан, Президентимиз.

Меҳмон қабул учун мамлакатимиз раҳбарига чин дилдан миннатдорлик изҳор этар экан, Япония билан Ўзбекистон ўртасида нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий соҳада ҳам ҳамкорлик алоқалари ривож топаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлади.

Коичиро Мацуура Ўзбекистон Республикаси Президентига Япония Бош вазири Кэйдзо Обутининг мактубини топширди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 27 июль, сешанба • № 86 (24.481).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом Каримов китоби Саудия Арабистонида нашр этилди

Бугунги кунда она юртимиз Ўзбекистон ва унинг дунёда тутган ўрнига бўлган халқаро қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Мустамлака тузумидан халос бўлиб, тарихан қисқа вақт ичида халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда жиддий ютуқларга эришаётган мамлакатимизнинг ривожланиш йўли, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпгина хорижий давлатлар, нуфузли халқаро илмий марказлар томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Бизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлимиз, унинг асосий йўналишлари юртбошимизнинг сиёсий, иқтисодий, илмий асарларида теран ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асарлар қатор чет эл мамлакатларида нашр этилиб, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, ишбилармонлар, олимлар ва минглаб оддий ўқувчиларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Ҳозирга қадар Президентимизнинг китоблари инглиз, француз, немис, араб, хитой, ҳинд, рус, корейс, япон, индонез, румин каби жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилиниб, кўпминг нусхаларда чоп этилди.

Куни кеча Ислом Каримовнинг яна бир китоби Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида араб тилида нашр қилинди. Китобнинг нашр этилишида Саудия Арабистони Қироллигининг энг йирик тижорат ва саноат «Дар-Ас-Салом груп» компаниясининг президенти Аш-Шайх Абдулла ибн Ҳасан-ал-аш-Шайх ва Халқаро сармоялар бўйича директори Шайх Муҳаммад Абдулкарим С. Райҳоннинг хизмати каттадир. Саудия Арабистонининг энг йирик нашриётларидан бири — «Ал-Саравот» нашриёти томонидан чоп этилган бу китобдан давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли йирик

фундаментал асарлари ҳамда «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган суҳбати ўрин олган.

Китоб араб ўқувчиларига тақдим қилинар экан, унинг сўзбошисида жумладан шундай дейилади:

"Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг ҳозирги замон дунё тарихини ўрганиб, ўзига хос тажрибалар орттириш йўли билан кўпгина ютуқларга эришди. Буни мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларида, унинг муваффақиятларга эришишига ёрдам берган ва кўпчиликни лол қолдирган жиддий қадамларида кўриш мумкин. Бу эса Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини, унга ўз халқи ва ватанига содиқ инсонлар етакчилик қилаётганини исботлайди.

«Дар-Ас-Салом груп» компанияси Тошкентдаги «Ўзбекистон» нашриёти билан ҳамкорликда ушбу китобни нашрга тайёрлади. Бу билан биз буюк келажак сари дадил қадам қўяётган Ўзбекистон давлатининг бинокори, Президент Ислом Каримов жаноби олийларининг тафаккур намуналарини араб ўқувчиларига тақдим этишга муяссар бўлдик.

Мазкур китобда собиқ шўролар тузумидан Ўзбекистонга мерос бўлиб қолган иқтисодиётнинг ночор аҳволи баён этилган ҳамда она юртининг гуллаб-яшнаши учун ўзини бағишлаган Президент Ислом Каримовнинг шу аҳволни бартараф этишга қаратилган лойиҳалари берилган.

Биз китоб мазмунини, ундаги ҳаққоний ва теран фикрларни батафсил шарҳламоқчи эмасмиз. Биз қадрдон ўзбек халқига, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли, ҳақиқий ва муносиб аъзоси бўлган ёш республикага унинг юқорида эслатиб ўтилган тараққиёт модели асосида баҳо бериш ва хулоса чиқаришни араб ўқувчиларига ҳавола этамиз.

Шу билан бирга биз араб инвесторларига бу китоб орқали ўзимиз ишонч ҳосил қилган фикрлар хулосасини тақдим этамиз ва нима сабабдан ўз сармояларимизни бу ёш республика иқтисодиётига қўйганимизни ҳам кўрсатиш ниятидамиз.

Ўйлаймизки, бошқалар ҳам шу фикрларни мулоҳаза қилиб, биз каби Ўзбекистон иқтисодиётига ҳеч қандай хавотир ва гумонларсиз ўз сармояларини йўналтирадилар.

Икки муқаддас давлат раҳбарлари — Саудия Арабистони қироли Фахд ибн Абдулазиз ал-Сауд зоти олийлари — Худонинг ўзи уни асрасин — ва унинг қадрдони, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг 1992 йил 11-13 апрелда бўлиб ўтган тарихий учрашувидан кейин ушбу сармоялар Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга кенг истиқболлар очиб берди. Бизнинг қадамимиз Ўзбекистон ва қадрдон араб давлатлари ўртасидаги ишонч ва эҳтиром белгиси бўлиб қолади, деган умиддамиз».

Ислом Каримов китобининг араб дунёсидаги энг нуфузли мамлакатлардан бирида нашр этилиши, шубҳасиз, давлатимизнинг халқаро майдонда, хусусан, Шарқ дунёсида ўзига муносиб ўрин ва мавқе эгаллаб бораётганининг яна бир далилидир.

(ЎзА)

Усмонҳожи гузар қурди

Андижон тумани Ҳакан қишлоқ фуқаролар йиғини клубидаги Қурама маҳалласида гўзал гузар фойдаланишга топширилди. Маҳалла гузарини машҳур сабзавоткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, меҳнат фахрийси Усмонҳожи Қурбонов ўз жамғармаси ҳисобидан қуриб битказди.

Миллий меъморчилик ҳамда замонавий бинокорлик талаблари асосида бунёд этилган бу обод масканда чойхона, новвойхона, хотин-қизлар хонаси, маҳалла фуқаро йиғини идораси жойлашган. Гузарга чиққанлар бир пиёла чой ичиб, қадрдонлари билан ҳордиқ олишларига шароитлар яратилган.

Гузарга келган кўпни кўрган кексалар, Усмонҳожининг саховатпешалигини айтиб, дуо қилдилар. Юрт учун фидойи инсоннинг ибратли ишидан ҳурсанд эканликларини билдирдилар.

Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак, ҳикматига амал қилиш миришкор деҳқон, эл ҳурматига сазовор инсон Усмонҳожи Қурбоновнинг ҳаёт тарзига айланган. У ҳар доим ҳамюртлари учун савобли иш бажариш ҳаракатида умр кечираяпти. Юрт ободлиги, халқимиз дастурхони тўкинлиги учун тер тўкаяпти. Элни деб меҳнат қилганларни халқимиз доимо эъзозлаб тилидан туширмайди. Усмонҳожи Қурбонов ҳам ана шундай эътиборга сазовор инсонлардан бири бўлади.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ғижжаки хумо»

Фарғона шаҳридаги «Маънавият ва маърифат» маркази қошида очилган «Арғанун» миллий мусиқа асбоблари ишлаб чиқариш устахонасида тайёрланаётган дутор, танбур, тор, доира каби асбоблар санъаткорлар ва ҳаваскорларга маъқул бўляпти. Уста Давронбек Жўрабоев ўз шогирдлари билан ўтмиш қўлёзмалари асосида тиклаган, ўтган асрларда ишлатилган, ҳозирда унутилиб кетган мусиқа асбоблари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотяпти.

Яқинда шу устахонада истиқлолнинг 8 йиллигига атаб яратилган янги, кўримли, нафис, бежиримлиги, овозининг айрича жарангдорлиги билан анъанавий ғижжаклардан ажралиб турадиган «Ғижжаки хумо» номли ғижжак санъат ихлосмандларини ҳайратга солди.

Ўз мухбиримиз

Шартномада кўзда тутилганидек

Ўтган йилнинг октябрь ойида Италиянинг «Текнагри Прожект» компанияси Қарши «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, унда макарон ишлаб чиқарадиган замонавий чет эл технологияларини ишлаб чиқаришга жалб этиш кўзда тутилган эди.

Шунга кўра, Қарши шаҳридаги «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятига қарашли макарон цехи ва ихтисослашган дўкон ўз ишини бошлади. Мазкур цех тўлиқ автоматлашган. Унда макарондан ташқари гуруч, мош ва ёрма маҳсулотларини ҳам қадоқлаш мумкин. Умумий қиймати 306 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур ускуналар соатига 150 кг. олти хил макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги ва арзон нархи билан харидорларни мамнун этмоқда.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 27 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	84,48	10 Испания песети	8,23
1 Австрия шиллинги	9,95	100 Италия лираси	7,07
1 Англия фунт стерлинги	206,43	1 Канада доллари	86,56
10 Бельгия франки	33,95	1 Хитой юани	15,76
1 Голландия гульдени	62,14	10 Люксембург франки	33,95
10 Греция драхмаси	4,21	1 Малайзия ринггити	34,33
1 Дания кронаси	18,41	1 Германия маркаси	70,02
1 БАА дирхами	35,51	1 Польша злотийси	33,95
1 АҚШ доллари	130,43	1 СДР	175,94
1 Миср фунти	38,29	1000 Туркия лираси	0,30
1 Финляндия маркаси	23,03		
1 Франция франки	20,88		
1 Швейцария франки	85,33		
1 ЕВРО	136,94		
10 Жанубий Корея вони	1,08		
10 Япония иенаси	11,17		
1 Россия рубли	5,38		
1 Украина гривнаси	32,40		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш жараёнини тезлаштириш, вақтинча иқтисодий қийинчиликка дуч келган, бироқ молия-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш учун ҳуқуқий имкониятга эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг янги таркиби тасдиқлансин.

2. Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсундирилсин.

3. Мол-мулкида давлат мулки улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари ишининг энг узоқ муддати бир йил билан чегаралансин. Ушбу муддатни яна узоғи билан ярим йилга узайтириш Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билан-гина амалга оширилсин.

Тугатиш комиссияси банкрот корхонани тугатиш бўйича барча ишларни белгиланган муддатда ниҳоясига етказа олмаган тақдирда мулкнинг сотилмаган қисми Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билан давлат мулкига ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тасарруфига берилади, хўжалик судлари эса ҳукумат комиссияси қарори асосида тугатиш ишининг якунлангани ҳақида ажрим чиқаради.

4. Ташқи бошқарувчилар ва ишончли шахсларга қарздор корхоналар ёки уларнинг мулкини сотишда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) розилиги билан қуйидагиларга рухсат берилсин:

харидорга хизмат кўрсатадиган тижорат банки те-

(Давоми 2-бетда)

«Тошкент Декларацияси» — БМТнинг расмий ҳужжати

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида «Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси» БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Маълумки, «Тошкент Декларацияси» шу йил 19-20 июль кунлари БМТ шафеълигида Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари — Эрон, ХХР, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ ва Россиядан иборат «6+2» гуруҳининг Тошкентда ўтказилган учрашувида қабул қилинган эди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда бугунги кунда Афғонистондаги зиддиятни бартараф этиш бўйича ягона халқаро механизм ҳисобланган «6+2» гуруҳи «Тошкент Декларацияси»ни тайёрлаш бўйича катта ишларни амалга оширди. Мазкур Декларация бундан буён БМТнинг Афғонистондаги зиддиятга тинч йўл билан барҳам бериш бўйича узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган расмий, дастурий ҳужжати бўлиб хизмат қилади.

(ЎзА)



Умидлар мамлакати

«Ўзбекистон — буюк келажак сари» танловига

Одамлар бойиб кетса нима бўлади? Бундан саккиз йил олдин сўраганингизда жавоби тайин эди — мактаб синфхоналарида, университет аудиторияларида миянгизга қуйиб қўйишганини тўтиқушдек такрорлардингиз: одамлар бойимаслиги керак, ҳамма теппа-тенг яшаши шарт. Қобилиятлининг қобилиятсиздан, меҳнаткашнинг дангасадан яшаш тарзи қилчалик фарқ қилмаслиги керак. Агар фарқ катталашса, яъни кимдир бойиб кетса... унда ёмон бўлади, вассалом!

Хуллас, яхши есанг, яхши кийсанг, яхши яшасанг, дунё кўриб, сайру-томоша қилсанг — буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат, пешона тери эвазига келса — бунинг нимаси ёмон?

Мен танийдиган бир одамни миллиардер дейишади. Аммо, кийиниши оддийгина, ўзимиз қатори, кўйлаги тилладан эмас. Ҳозиргина чўнтагига солиб қўйган калитидан унинг суперсалон «Нексия» машина эгаси эканлигини билганингиздан сўнг, ҳа-а, деб қўйишингиз мумкин. Хўш, нима бўпти? Санаб чиқинг, қўшниларингизнинг, ҳамқишлоқларингизнинг нечтасида «Нексия», «Тико», «Дамас» бор? Айримларида қўша-қўша эканини ҳам назарда тутинг...

Ўша танишимнинг «КамАЗ»и ҳам бор экан... Нима бўпти, ҳозир «КамАЗ»ни далада тер тўкиб, қовун-тарвуз, пиёз етиштираётган деҳқонлар сотиб оляпти. Етиштирган маҳсулотини Россиягами, Қозоғистонгами олиб бориб сотиш учун юк машинаси керакми, керак! Кимга ялинади? Хуллас, қишлоғингизда нечта фермернинг «КамАЗ»и борлигини санаб чиқинг...

Бу одамнинг «Мерседес» автобуси ҳам бор экан! Яхшиликка буюрсин. Қозоғистонгами, Тошкентгами қатнаб, одамларнинг ҳожатини чиқарсин, ўзининг пулини кўпайтирсин, яна битта «Мерседес» сотиб олсин...

Хуллас, бу танишим — нукуслик тадбиркор Ҳожибой Рейимбоевнинг бойлиги мени ҳайрон қолдира олмади. Табиийки, сизни ҳам танг қолдира олмайман. Юқорида саналганларининг ёнига беш-олтита дўкони, тикувчилик цехи, консерва заводларини қўшиб айтсам ҳам. Бундай бойларни кўриб, кўзимиз ҳам пишиб қолди.

Аммо, ҳайрон қолганим — Ҳожибой оға Нукус давлат дорилфунунининг дарвозасидан кириши билан йигитқизлар югуриб келиб, одоб билан салом беришди. Оға ҳам улардан аҳвол сўради, ўқишларини, уйдагиларни суриштирди.

Аввалига қариндошидир, дедим. Сўнг оғайнисининг ўғли бўлса, керак, деб ўйладим. 20-30 чоғли йигит-қиз бирин-кетин «Ассалом, Ҳожибой оға» деб ўтгандан сўнг — бир зумнинг ўзида шунча қариндошинг билан учрашиш эҳтимолдан узоқ, дедим-да сўрадим:

— Булар танишларингизнинг фарзанди-да?

Жавобдан аён бўлдики, Ҳожибой оға уларни танимас эканлар.

Яна битта саволни беришдан ўзимни тута олмадим.

— Тадбиркор одамсиз. Ҳали банкка, ҳали солиқ идорасига югурсангиз керак. Буёқда консерва заводингиз мавсумга шай бўлиб турибди. Хуллас ишингиз етарли. Сиз бўлса, Америкада ўқиётган ёшларни кўрай, деб, мана, дорилфунун проректори хонасида ўтирибсиз. Сиз учун вақт — пул эмасми?

Ёмон иш қилмаяпман шекилли, дегандек миллиардер менга ҳайро-о-н бўлиб қаради.

— Шунчаки, ўзим, — деди у. — Чет элларда ўқиётган болаларимиз қандай ўзгарди экан? Имкониятлардан яхши фойдаланишибдими, дунёқарашлари ўсибдими, деб қизиқдим-да. Ундан кейин бу болаларимизни зиёрат қилса арзийди — ўзбекни дунёга танитиб юрганларнинг бири — шулар-да...

Нукус туманида, Нукус шаҳрида, қолаверса бутун Қорақалпоғистонда Ҳожибой оғани танийдиган, эъзозлайдиган кишилар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири, ҳеч бўлмаса бир марта оғанинг савобли ишига гувоҳ бўлган. Мана, унинг ишларидан айримлари.

Камқонли аёлларни дори-дармон билан таъминлашга ёрдам бериш мақсадида туман шифохонасига маблағ ўтказган.

Бир куни ўзи яшаётган «Қаттилғар» ижара хўжалигига қарзини тўламаганлиги учун ичимлик суви бериш тўхтатилганидан хабар топган заҳоти хўжаликнинг уч йиллик қарзини тўлаб юрибди.

Ҳар йили ўша хўжалик ҳудудидаги Абай номли мактабнинг таъмирига 50-60 минг сўм ажратади. Аълочи ўқувчилар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун стипендия тайинланган. Хусусий корхонасида 60 киши иш билан банд. Улардан олти нафарини бепул турар жой билан таъминлаган.

— Иш ўз йўлига, — дейди Ҳожибой Рейимбоев. — Дўконларимдан харидор аримайди. Консерва цехимизда ҳар йили 100 минг шартли банка мева-сабзавот консерваси, шунча томат пастаси ишлаб чиқарилади. Уларни чет элга сотиб, пул қиламиз, техника оламиз.

Ҳожибой оға футбол ишқибози, Ишқибоз дегани телевизорда томоша қилади, имконини топса ўйингоҳга боради. Қаҳрамонимиз эса амалиётчи ишқибоз. Президентимизнинг футболни ривожлантириш ҳақидаги Фармонини зўр қувонч билан кутиб олиб, катта ишга бош қўшаётганлардан. 1995 йили «Умид» футбол клубини тузган эди. Ўша йилиёқ Қорақалпоғистон чемпионатида биринчиликни қўлга киритишди. Хуллас, олдинги ўринларни қўлдан бермай келишяпти.

Футболчиларга ойлик маош тайин, ютиб чиқилган ҳар ўйин учун, урилган ҳар бир гол учун мукофот. Футбол мавсумида «Мерседес» автобуси фақат футболчилар хизматида бўлади.

Буёқда аёли Гулистон ҳар замонда нолиб қолади — уйлари таъмир талаб бўлиб қолган, бу киши эса ҳар йили футболчиларига 2-3 миллионни сарфлайди... Ҳожибой оға бир гап билан аёлини мот қилади: жим ўтир, жўраларим мендан уйинг таъмирландими, деб сўрамайди, команданг ютдими, деб сўрашади...

Келишганимиздек, иш ҳақида, бойлик ҳақида бошқа сўз юритмадик. Суҳбат давомида Ҳожибой оға билан адабиёт, санъат мавзуларида суҳбатлашиш, баҳслашиш мумкин эканлигига амин бўлдим.

Хусусий корхонангизнинг номи «Умид», футбол клубингизнинг номи «Умид», туман марказидаги қўшқаватли хизмат кўрсатиш маркази ҳам шундай номланган. Кенжатойингизнинг исми ҳам Умид — бу исмни яхши кўраркансиз — сўрадим суҳбатимиз охирида.

— Умид билан яшаган яхши, — деди у. — Кўнглида умиди бор одам яхши одам. Ва умидлари рўёбга чиқа бошлаганини кўрган одамгина яна умид қилаверади. Умид билан яшаш учун ҳам имконият керак. Менинг оилам, менинг корхонам — кичкинагина Умидлар мамлакати.

— Тўғри айтасиз, Буюк Умидлар ва имкониятлар мамлакати — Ўзбекистон бағридаги кичик бир мамлакат, фикран давом эттирдим уни.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

гишли кафолатни тақдим қилган тақдирда корхона ёки мулкни бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш;

арзон-гаров ва тез ишлатиб бўлинадиган мулкни, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг қолган қисмини кимошди савдоси ўтказмасдан, олди-сотди шартномаси бўйича сотиш.

5. Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ишончли шахслар ва банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари томонидан дебиторлик қарзини мажбурий тарзда ундириб олиш бўйича тақдим этилган материалларни давлат божи тўланмасдан туриб ҳам бу божни айбдор томондан кейинчалик ундириб олинишини белгилаган ҳолда кўриб чиқишни таъминласин.

6. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишда чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон Фармонига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

Фармоннинг 1-банди ҳамда иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини маълум муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш, бу қарор кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки фармойиши билан тасдиқланиши шарт»;

3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси» ҳамда 4-банднинг 2-хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«тугатиш жараёнини амалга оширишда фаол иштирок этиш ва ишончли шахс сифатида қатнашиш, мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳамда хўжалик судлари томонидан банкрот деб эътироф этилган қарздорлар бўйича тугатиш комиссияларини ташкил этиш»;

6-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ органлари, иқтисодиёт ва статистика органларидан корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш»;

8-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита мансабдор шахслардан корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим қилинмагани ёки ўз вақтида тақдим қилинмагани учун ундириб олинадиган жарималар;

банкрот корхоналарни кимошди савдоси орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, кредиторларнинг талаби қондирилган тақдирда мулкнинг баҳоланиш ва сотилиш қиймати ўртасидаги фарқдан тушган маблағларнинг бир қисми».

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳукумат комиссияси, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини мазкур Фармон асосида ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 июль

«Февраль воқеалари» фильмидан сўнг

Долларга сотилган оқпадарлар

Фильмда тилга олинганлардан бири сурхондарёлик Номоз Нормўминдир.

У 1990 йилларда Термиздаги шаҳар марказий шифохонасида ишларди. У гоҳо вилоят газетасига (мен ўшанда вилоят рўзномасида ишлардим) ўзининг чала-чулпа битилган мақолаларини олиб келар, савияси паст мақолаларини газетада беришликнинг иложи йўқлигини айтганимизда, у норози бўлиб кетарди. Умуман, кимдандир, нимадандир ҳамиша норози бўлиб юрадиган одамдан яхшилик чиқмас экан.

Шундан сўнг у касалхонадан ҳам ишдан ҳайдалди. Ўзига ўхшаган ароқхўр бир дўсти билан шаҳар кўчаларида ичиб, масталаст юрарди...

Ҳайронман, ана шундай тайинсиз одамлар давлат тўнтариши қилиб, халқимизни бошқарар эмиш!

Бўлмаган гап! Ҳеч қачон элимиз бундай бетайинларга бош эгмайди.

Аммо... бир нарса қалбимга ҳеч тинчлик бермайди! Тонна-тонна портловчи моддалар, қанчадан-қанча қурол-яроғлар ва яна ана шу портловчи моддаларданда хавфлироқ «ғоявий заҳар»га тўла турли китоблар-у варақалар чет мамлакатлардан Ўзбекистонга келтирилган.

Мен ўзим гувоҳи бўлганман. Бундан уч йил аввал Термиздан Тошкентга бир машина карамни олиб бориш учун йўлда бир неча марта текширувдан ўтказилган эди. Карам сотмоқчи бўлган танишим, шунда «дод!» деб юборган, шу карамини Термизнинг бозорида сотиб қўя қолмаганидан кўп афсус чекканди.

Демоқчиманки, ғаламислар хорижий мамлакатлардан карам эмас тонналаб портловчи моддаларни Ватанимизга қандай ўтказа олишган экан. Шубҳасиз, ҳар бир қарич еримиз муқаддас. Унга бомба кўтариб келадиган ғанимлар оёғи ўша ернинг ўзида синдирилиши керак. Токи, бегуноҳ қонлар тўкилмасин, одамлар ўлмасин.

Ҳа, энди ҳушёр бўлишимиз шарт. Токи, Президентимизнинг «Ҳушёр бўлинг, одамлар!» деб айтган гаплари ҳар биримизнинг қалбимизда ҳар доим янграб турсин. Шундагина Ватан тинч бўлади, юртимиз обод бўлади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Нур ва

Асрий орзуси ушалган озод халқимиз Оллоҳ қўллаб-қувватлаётган юртбошиси раҳнамолигида ўз тараққиёт йўлини танлаб, мамлакатимизда иқтисодий бақувват демократик давлат, инсонпарвар адолатли жамиятни бунёд этишга киришди. Эндиликда, шу мақсадда мамлакатимизда бозор муносабатлари ўзанларидаги туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотлар кенг кўламларда амалга оширилмоқда. Эътиборли жойи шундаки, шўролардан кейинги маконда пайдо бўлган қатор мустақил давлатларда «демократлар», деб аталган раҳбарлар мустабид тузум тартиботларидан бозор муносабатларига бир сакрашда ўтишни хомхаёл қилиб, «шок терапияси», яъни «карахт қилиб даволаш» усулини қўллаб, ўз халқларини не-не кўйларга солган бир пайтда,Ўзбекистон раҳбарияти эркин бозор талабларини босқичма-босқич жорий қилиш, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки, инсонлар учун эканлигини бир лаҳзага ҳам унутмай, мамлакат аҳолиси, хусусан унинг камқувват қатламларини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан изчил бормоқда.

Янги иш ўринларини яратиш орқали оммавий ишсизликнинг олдини олиш, нархнавонинг ўсишига қараб маошлар, стипендия, пенсия ва нафақаларни индексациялаш, кўп болали оилалар, етимесирлар, ногиронлар, қаровсиз қолган кексаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳолисини табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, кундалик истеъмол молларининг узилишига йўл қўймаслик каби, ижтимоий муҳофазага тааллуқли кўплаб тадбирларни ўтказишга республика ҳукумати моддий ва молиявий маблағларни аямаяпти.

Айни пайтда, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик, ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, ширкатларга турли имтиёз ва енгилликлар бериш йўли билан аҳолининг бозор шароитларига мослашувига кўмаклашилмоқда. Бу жараёнларнинг тегишли ҳуқуқий замини мустаҳкамланмоқда. Натижада, қатор бошқа мамлакатларда кузатилаётган ижтимоий ларзалар — оммавий норозилик, иш ташлаш ёки намойишлар учун республикамизда ҳеч қандай зарурат йўқ.

Бироқ, Ўзбекистонда тақдиршумул ислоҳотлар, янгиланиш жараёнлари силлиққина, осонлик билан кечмоқда, десак, ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш ҳеч қаерда ва ҳеч қачон осон кечмаган. Аксинча, жаҳон амалиёти ҳам, ўзимиз етти йилдан зиёдроқ вақт давомида тўплаган тажриба ҳам унинг, ижтимоий ҳаётда рўй берадиган ҳар қандай ўтиш даврининг турли, кутилган ва кутилмаган, мушкулликларга тўла, ўта мураккаб жараён эканлигидан далолат беради. Ким биладидейсиз, учраётган қийинчиликлар ҳақида кўп гапирмаганимизданми, саъй-ҳаракатларимизга қарши турган тўсиқлар тўғрисида дунёга жар солмаётганимизданми ёки бошқа сабабларданми, айрим ватандошларимиз тассаввурида мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз равон ва силлиқ бўлиб кўринмоқда. **Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар,** дейди давлатимиз раҳбари И.А. Каримов, — **қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч кутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига қўлга киритилаётганлигини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.**

Чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, юртбошимизнинг ушбу фикри тарихий ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Аввалам-бор, Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтларни эсланг. Бошқа ёш мустақил давлатлар каби, бизнинг мамлакатимиз ҳам тараққиёт йўлини танлаш имкониятига эга бўлди. Ўшанда республикамизнинг Президент Ислом Каримов бошчилигидаги раҳбарияти юртимизнинг тарихий, табиий, нуфусий, миллий хусусиятлари, иқтисодий, маданий-маънавий салоҳияти, халқимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи ва орзу-ҳавасларини инобатга олиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини асослаб берган эди.

Унинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизда бозор муносабатлари ўзанларидаги туб ўзгаришлар, янгиланиш жараёнлари фожиали оқибатларга эга бўлган сохта инқилобий сакрашлар ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, маданий-маърифий, тадрижий йўл билан амалга оширилади. Унда ҳамжиҳатлик, муроса ва иноқлик ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади. Жамиятни қалқитувчи ижтимоий ларзалар, аҳоли турли гуруҳ ва қатламлари ўртасида келишмовчилик ҳамда тўқнашувларга ўрин қолмайди.

Шу боис, «қизил империя»нинг емирилишидан афсусланаётган айрим аксилислоҳотчилар Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлига оммавий ахборот воситаларида ҳужум уюштириб, мамлакатимизни тез кетаётган демократик ривожланиш поездидан ажралиб қолган вагонга ўхшатдилар. Бир сакрашда Қувайт ва Швейцария даражасигача кўтарилишга ҳовлиққан айрим қўшни давлатларни бизга ибрат қилиб кўйдилар. Аммо,

Галла —99

Зафар муборак!

Қорақалпоғистон Республикаси ғаллакорлари қабул пунктларига 48954 тонна буғдой топшириб, белгиланган шартнома режаларини ошириб бажардилар.

Элликқалъа, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Амударё туманлари буғдой тайёрлаш режаларини биринчилар қаторида бажарди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Фарғона вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга ғалла сотиш шартнома режасини бажардилар. 92 минг гектар майдонга экилган ғалладан давлат қабул пунктларига 246300 тоннадан ортиқ сара дон топширилди.

Олтиариқ, Учкўприк, Қува, Данғара, Охунбобоев, Тошлоқ туманлари ғаллакорлари ҳар гектар ердан ўртача 36-37 центнердан дон етиштириб, вилоят шартнома режасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Келинлар уйининг заркамалаги



Бухоро шаҳридаги очиқ турдаги «Зардўз ҳиссадорлик жамияти Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда 150 дан зиёд зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мазкур жамиятда тайёрланган маҳсулотлар эса чиройли ва бежиримлиги билан харидорларга маъқул келяпти.

Шунингдек, Бухоро зардўзлари ўз маҳсулотлари билан бир неча маротаба халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, мукофотларга сазовор бўлишган. Бу қўли гул зардўзларнинг маҳоратини пойтахтимизда кўрк бериб турган «Туркистон», «Халқлар дўстлиги» каби саройлардаги чиройли зар пардалардан кўриб ҳам амин бўлиш мумкин.

Ҳозирги кунда ушбу жамоада 637 нафар хотин-қизлар ишламоқда. Улар учун барча шароитлар яратилган. Бухоролик зардўзларнинг асосий мақсади — халқни ҳамиша харидоргир маҳсулотлар билан таъминлаш.

Суратларда: *1. Моҳир зардўз Сабоҳат Расулова, 2.Тайёр маҳсулотлар. 3. Устоз зардўз Сарвигул Қиличева.*

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Музқаймоқнинг тахири чиқди

Солиқ тизимида

Чилла кириб музқаймоқнинг бозори чаққонлашиб қолди. Мижозларнинг қадами ҳозир «Мизан» ўзбек-турк қўшма корхонасининг музқаймоқ цехидан бир дақиқа ҳам узилмаяпти.

Цех «Чирчиқсут» комбинати биносида жойлашган бўлса ҳам машиналарнинг бири Тошкентдан, иккинчиси Ғазалкент ёки Паркентдан келиб турибди. Цех ходими Наргиза Боймирзаеванинг қўли-қўлига тегмайди. Мижозлардан даста-даста пулларни санаб олиб исталганча музқаймоқларни цехдан чиқариб юбораяпти. Ваҳоланки, бу ерда фақат пул ўтказиш йўли билан маҳсулот сотиш мумкин.

Наргиза мижозларнинг биридан 40 минг 500 сўм санаб олаётган пайтида цехга Давлат солиқ қўмитаси ходимлари келиб қолишди. Улар бир зум савдонинг белига тепмай туришди. Наргиза пулларни қоғоз қутига босиб, харид қилинган музқаймоқ учун бир нусха юк хати ёзиб берганидан сўнг секин текширувни бошлашди.

Санаб олинган пул билан қоғоз қутиларга жойланган музқаймоқлар ҳисоб-китоб қилинганида Наргиза харидордан 8324 сўм ортиқча олиб қолганлиги маълум бўлди. Бу қонунбузарликнинг бир кўриниши бўлса, савдо тушумининг назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги иккинчи бор бузилиши эди. Юк хатининг бир нусхада тўлдирилиб, ҳеч қаерда рўйхатдан ўтказилмаганлиги Наргизанинг яна бир кўпол хатоси бўлди.

Шундан кейин солиқчилар музқаймоқ сотишдан тушган, лекин назорат касса машинасидан ўтказилмаган барча пулларни синчиклаб санаб чиқдилар. 250 минг 606 сўм чиқди. Хомашёлар омборида ҳам назорат касса машинасини четлаб ўтган 9700 сўм бор экан.

Айни пайтда Собир Раҳимов туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари, «Мизан» ўзбек-турк қўшма корхонасининг марказий идорасида назорат тартиби бўйича текширув ўтказишди. Шунда улар корхона экспедитори В. Каипбулова харидор ҳақидан 1070 сўм уриб қолиб, савдодан тушган 15000 сўм тушумни назорат касса машинасидан ўтказмай пўлат сандиққа йиғиб қўйганлигининг гувоҳи бўлдилар. Бошқа сандиқлардан ҳам назорат касса машинасидан ўтказилмаган 218 минг 900 сўм чиқди.

Шу куни музқаймоқ цехи бошлиғи Алтун Мухаррам жавобгарлигидаги товар-моддий бойликлар қайта йўқлама қилинди. Шу жараёнда 13 минг 346 сўм 55 тийин камомад борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар бўйича жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилаяпти. Ўзи хон қўланкаси майдон музқаймоқфурушлар энди тегишли жазоларини оладилар.

Ж. НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

Сургун

Орадан бир неча кун ўтгач, немис қисмлари Сталинград томонга ўтиб кетишди. Аммо Каховкадаги барча ерларга немис фермери бир пастда эгалик қила бошлади. Мархум Дадахон ҳожининг оиласи шу фермернинг қўлида ишлади. Ҳосил кўп бўлгани учун болалар немис қоровулининг кўзини шамғалат қилиб кун ора уч-тўрт килолаб буғдой олиб кела бошладилар. Анварнинг тадбиркор онаси кечаси билан тош айлантириб, бу буғдойларни янчди, озиқ-овқат анқонинг уруғи бўлган бир даврда оилани шу тарзда очарчиликдан сақлаб қолди.

Бироқ Саодатхоннинг оғир йиллардаги бундай фидокорлиги Абдурашид аканинг кўзига кўринмади. У оиласини ташлаб, Маруся деган бир аёлга илашди-да, бошқа қишлоққа кўчиб кетди. Анвар онаси ва сингиллари билан немис шомполининг зарбаларига чидаб, мусофирликда яшашда давом этди.

Не-не азоб ва кўргиликлар билан уруш йиллари ҳам ўтди. 1946 йили авф эълон қилиб, собиқ «муштумзўрлар» ўз ватанларига қайта бошладилар. Анвар ҳам оиласи билан қайтди. Лекин унга ва оиласига нисбатан ҳақоратомуз муносабатлар, «қулоқ» дейишлар унинг асабини эговлади. Бу ҳам етмагандек, иқтисодий танглик унинг ҳаётига ўз чангалини солди.

Орадан маълум бир вақт ўтгач, Абдурашид ака Маруся билан ўғли Анатолийни Херсонга жўнатиб, яна Саодатхон билан ярашди. Фарзандларига янги хужжатлар олиш пайтида Анвар Абдурасулга айланди. Лекин бир номнинг бошқаси билан алмашиши ҳали шу шахснинг тақдирида кескин ўзгариш рўй беришини англатмаганидек, Дадахоновларнинг она Ватанга кўчиб келиши ҳам ҳали улар ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлишига кафолат бермас эди.

Мен жабрдийда кишилар ҳаётининг фожиали йиллари ҳақида ёзар эканман, муштарийлар саргон-саргардонликда, азоб-уқубатда кечган даврда қанчадан-қанча кўз ёшлари тўкилгани, хўрлик, очлик, муҳтожлик, лоқайдлик, саналорликдан тоқати тоқ бўлган, бу дунёга келганига минг бор пушаймон қилган ватандошларимизнинг юрак-бағирлари қонга тўлганини, бир сонияга бўлса-да, тасаввур қилишларини истардим. Негаки, Шўро давлати, йўқсилардан бир оз фарқли ўлароқ бор-йўғи, ерлисувли бўлганлари учун минглаб ўртаҳол деҳқонларга ер юзида жаҳаннам яратган эди. Улар ана шу жаҳаннам ичида ўн беш йилдан зиёд вақт яшадилар. Ҳатто тарихий ватанларига қайтганларидан кейин ҳам уларга шўро давлатининг душманлари сифатида муносабатда бўлинди. «Қулоқланган» болалар ўз юртларида ҳам асосан қора меҳнат билан шуғулландилар. Камдан-кам кишиларгагина олий ўқув юртларида ўқиш имконияти насиб этди.

Шундай кишилардан бири Шоюсуф Шоносиров бўлиб, у Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлайди. Унинг ота-онаси — 1893 йили туғилган Шомурод ва 1897 йили туғилган Ҳабиба Шоносировалар 30-йилларнинг бошларида Шоакрам ва Усмон исмли бири тўрт яшар, иккинчиси эса уч-тўрт ойлик болалари билан Украинага сургун қилинган. Шоюсуф ҳам, опалари Карима ва Хатира ҳам, укаси Холмурод ҳам ўша ерда дунёга келганлар.

Шоюсуф институтнинг кам нусхали газетасида эълон қилинган болалик хотираларида ўша аянчли йилларни эслаб, бундай ёзади:

«Бизнинг оиламиз — отам Шоносиров Шомурод, онам Шоносирова Ҳабиба, Усмон ва опам Карима 1930 йили Тошкентдан Украинага Сталин даври зуғуми остида «қулоқ» қилинган эканлар. Биз Украинанинг Николаевский вилояти (1944 йили Херсон вилояти Николаевскийдан ажралиб чиққан) — Н. К. Скадовск туманига кўчирилган эдик. Тақдирнинг аччиқ ҳукми билан ўша жойларда 18 йил яшаш насиб этган экан. Шу давр ичида мендан катта Хатира опам, мен ва укам дунёга келган эканмиз.

Маълумки, сургунда бўлган йилларнинг энг машаққатли кунлари 1941-1945 йиллардир. Сургун қилинган жой — Украина тупроғи фашистлар қуршовида қолган эди. Ўшанда мен 5-7 ёшларда эдим. Ана шу ёшда болалар уруш даҳшатларини жуда яхши эслаб қолса керак. Онамларнинг айтишича, 1941 йили душман бомбасининг осколкаси оёғимни ярадор қилган экан. Буни мен каттароқ бўлганимда тушуниб етганман. Ахир бизнинг турган манзилгоҳимиздан атиги 5-7 километр узоқликда ҳарбий аэродром бўлган эди. Ундан кейин шу аэродромда фашистларнинг самолёти қўнадиган бўлди. Биз уларни томоша қилар эдик. 1941 йилнинг июнида аэродром яқинидаги мактаб фашист газандалари томонидан портлатилди. Мактабдаги ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг кўп қисми ҳалок бўлди. Шу мактабда ўқийдиган Карима опам уйга соат 11-12 ларда қайтиб келаётганида бомба портлаш содир бўлган ва опам бахтли тасодиф туфайли омон қолган эди.

1942 йилнинг қиш кунларида биз турган манзилгоҳдан шўролларнинг асир тушган аскарлари фашистлар лагерлари томон олиб кетилар эди. Биз уларга раҳм қилиб, нон ташлар эдик, зарур бўлган ёрдамларимизни беришга ҳаракат қилар эдик. Лекин фашистлар асирларга асло раҳм-шафқат қилмас, уларни милтиқ қўндоқлари билан жароҳатлар, айрим ҳолларда нобуд қилиб кетишар эди. Биз, болалар, мурдаларни йиғиб, ўрмонларга олиб бориб, мутасадди бўлиб турган одамларга топширар эдик. Ўрмондаги кекса одамлар уларни қабрга қўяр эдилар...».

Мен шу ерда Шоюсуф Шоносировнинг сўзларини бўлиб, муҳтарам газетхонлар эътиборини собиқ «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1975 йилдаги 13 май сонида босилган «Херсонда ўзбек пахтакор жангчиларига ёдгорлик» деган хабарга қаратмоқчиман. Унда, жумладан, қуйидаги сўзлар ёзилган:

«... Фашист босқинчилар Шўролар тупроғига бостириб кирганда херсонлик пахтакор ўзбеклар ҳам Украина ерларини ҳимоя қилиб, мардларча ҳалок бўлишган.

«2-Скадовский» совхозининг марказий қўрғонида урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилиб, уларнинг номлари мармар плиталарга ёзилган. Қишлоқ аҳли учун ёдгорлик муқаддас жой бўлиб қолган..

Радгоспне қишлоқ совети ижроия комитети Украина ерларини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган пахтакор ўзбекларнинг номларини газетада чиқаришни сўраганлар. Мана, ўша херсонлик пахтакорлар рўйхати:

Абдураззоқов Қаюм, Отабоев О. , Бойтўраев Ҳамид, Бектемиров Исмоил Юнусович, Дадажонов Боқижон, Эргашев Жума, Зокиров Жобир, Эгамбердиев Собит, Исмоилов Шукур, Қорақулов Абдуҳалил, Каримов Абдулла, Мирзаҳамдамов Райимжон, Мирхонов Ғулом, Нажимбоев Йўлдош, Рустамов Абдулла, Салимов Ҳалим, Сулаймонов Жўра, Тожибоев Анвар, Тожимирзаев Ҳотам, Тошимбоев Муҳаммадқул, Ўлжабоев Тошпўлат, Хўжамқулов Т. Йўлдошев Қаландар, Юнусов Зокир.

Херсонлик дўстлар Ватан бахт-саодати йўлида ҳалок бўлган ўзбек жангчи пахтакорларининг номини ҳамиша ифтихор, миннатдорлик билан тилга оладилар. Улар ўлмаган, қалбимизда мангу яшайдилар».

Украина даштларига сургун қилинган ўзбеклар Херсон вилоятига қарашли ерларда пахта экиб-ундирибгина қолмай, иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан қўлларига қурол олиб, шўролар мамлакатини ҳимоя ҳам қилдилар. Ана шу йилларда биргина Скадовск туманидаги 2-пахтачилик совхозида хизмат қилган 25 нафар ўзбек пахтакори ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Шоюсуф сингари 5-7 ёшдаги болалар шу қаҳрамон пахтакорларнинг жасадларини ўрмонга элтган бўлишлари мумкин.

«1942-43 йиллар, — деб давом эттиради Шоюсуф Шоносиров хотирасини, — оламизни ҳарбий лагерга ишлаш учун жўнатишди. 1943 йилнинг июнь ойларида мен ва опамлар фашистларнинг вагонларига чиқарилиб, улар томонидан босиб олинган Польшага, ундан кейин Германияга олиб кетилиши арафасида эдик. Шунда румин аскарлари бизни қутқариб қолишган. Урушда нималар бўлмайди, дейсиз. Кимдир кимнинг омон қолишига сабабчи ҳам бўлар экан..

Шундан сўнг биз яна Украина ўрмонларида ертўлаларда яшаганмиз. Душман енгилганидан сўнг биз ҳам озодликка чиққан эдик. Фашистлардан қолган қурол-яроғларни эса йиғиб, тўплаб, ўша жойнинг комендантига топширар эдик...»

Херсон вилоятига сургун қилинган ватандошларимиз НКВДнинг доимий назорати остида турганлари сабабли ҳатто уруш йилларида ҳам эвакуация қилинмаган. Натижада 1933 йилдаги очарчиликдан омон қолган кишиларнинг бир қисми уруш йилларида тутдек тўкилган.

Херсон вилоятига сургун этилган кишилар орасида 1895 йили туғилган Носир Одилов ҳам бўлган. У 1931-1941 йилларда Скадовск туманидаги 1- ва 2-пахтачилик совхозлари, кейин эса пахта тозалаш заводида ишлаган. У мазкур туманга кўчириб келтирилганда оиласида, хотини Ибодат аядан ташқари, еттита фарзанди ҳам бўлган. Жабрдийда оила Херсон вилоятида яшаган йилларида яна етти нафар фарзандни кўрган. Аммо 1945 йилда бу оилада фақат етти болагина омон қолган. Уруш бошланиши билан оила бошлиғи ҳаракатдаги Қизил армия сафига олинган ва у 1945 йил сентябрида фарзандлари бағрига қайтгунига қадар Украинани озод этишда иштирок қилган.

Скадовск туманига қарашли совхозларда ватандошларимиз боргунларига қадар пахта экиш маданияти мутлақо бўлмаган.. Шунинг учун ҳам маҳаллий раҳбарлар Скадовск туманида пахта экиш ишларини йўлга қўйишни Носир Одиловга топширганлар. 1- ва 2- пахтачилик совхозларида стратегик аҳамиятга молик экинни экиш ишлари ривож топгач, Носир Одилов пахта тозалаш заводини барпо этишга киришган ва бир неча муддат мобайнида шу заводга раҳбарлик қилган.

Одиловлар оиласи «муштумзўрлар оиласи» сифатида тугатилганда унга қарашли ер-сув, мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилган. Аммо Носир Одилов она - Ватанига қайтганидан кейин уй-жойларини қайтариб олиш ташвиши билан банд бўлмади. Аксинча, фарзандларининг янги ҳаётни бошлашларида тўғри йўлни кўрсатиб, уларнинг халқ ва мамлакат манфаати билан яшовчи кишилар бўлиб улғайишларига ёрдам берди.

Агар газетхонлар унутмаган бўлсалар, юқорида келтирилган рўйхатда Ойша ва Каромат Умархўжаевалар-нинг номлари ҳам тилга олинган эди. Бири 1888 йили, иккинчиси эса 1882 йили таваллуд топган бу икки аёл Аҳмадхўжа Умархўжаев деган табибнинг хотинларидир. Табибнинг Каромат аядан туғилган Рашид ва Турғун исмли фарзандлари ота-оналари билан бирга Херсон вилоятига сургун қилинганларини айтадилар. Чунончи, Турғун Умархўжаев комиссия номига ёзган аризасида: «Сургун қилинганлар орасида отаонам ва мен ҳам бор эдик. Ўша йили НКВД ходимлари ҳеч қандай ҳужжатсиз, суд қарорисиз уй-жойларимизни, мол-мулкимизни мусодара қилган. Херсон вилоятида 1930 йилдан (тўғрироғи, 1931 йилдан — Н.К.) 1946 йилнинг 20 декабригача сургунда бўлдик. 1941 йил июль ойидан 1943 йилнинг сентябрь ойигача вақтинчалик фашист қўшинлари томонидан босиб олинган ҳудудда яшадик», дейди ва сургундалик вақтида балоғат ёшига етмаган бўлса ҳам совхозда ҳар хил оғир меҳнат билан шуғулланганлиги учун саломатлиги яхши эмаслигини қайд этади ҳамда моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож эканлигини яширмайди.

Умархўжаевлар оиласининг сургунда бўлиши билан боғлиқ нозик бир нуқта ҳам бор. Акаукалар тақдим этган ҳужжатлар орасида ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги муштумзўрларнинг шикоятларини текшириш бўйича марказий комиссиянинг 1932 йил 20 февралда бўлиб ўтган йиғилиши ҳақидаги қайдноманинг нусхаси ҳам бор. Бу қайдномага кўра, Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоғида яшовчи фуқаро Умархўжаев Аҳмадхўжанинг қишлоқ хўжалик солиғи нотўғри берилгани ва хўжалигининг муштумзўр хўжаликлари таркибига нотўғри киритилганлиги ҳақидаги шикояти кўрилган. Агар Аҳмадхўжа Умархўжаевнинг Хер-

1 (Охири. Боши ўтган сонларда).

2

3

4

СОЯ

Нигоҳ

ҳаётнинг ўзи ким ҳақ-у ким ноҳақлигини кўрсатмоқда.

Шўролардан кейинги маконда пайдо бўлган ёш давлатларнинг миллий мустақиллиги, ўз тараққиёт йўлидан боришини ёқтирмаган империяпараст кучлар уларга (шу жумладан Ўзбекистонга ҳам) турли йўллар билан тазйиқ кўрсатишга уриндилар, ҳаттоки мавжуд ички ва ташқи қийинчиликларни енгишга кўмаклашишга даъват этилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ўз ғаразли мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Ўзаро иқтисодий алоқаларда молиявий, божхона ва бошқа муаммоларни келтириб чиқариш, МДҲ тузилмаларини унга аъзо давлатлардан устун қўйишга интилиш, давлатлар, ҳукуматлар раҳбарлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши тўғрисида бош қотирмаслик ва ҳоказолар оқибатида уюшманинг мустақил мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистондаги ислоҳотларга мадад бўлиши мумкин бўлган салоҳияти ишга солинмаяпти.

Яна бир тоифа аксилислоҳотчилар борки, улар «иккилар», «тўртлар» иттифоқларини тузиш баҳонасида умрини яшаб, сароб бўлган СССРни тиритиришга, коммунистик ғояларга янгидан жон ато этишга, шунингдек, мамлакатимизни ўз таъсир доирасига тортишга уринмоқда. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг ушбу масалага муносабатини очиқ-ойдин ифодалаб, шундай деган эди:

«... мен Ўзбекистон учун бундай иттифоқлар ёки ҳамдўстликлар мутлақо мақбул эмаслигини айтиб ўтишни истар эдим». Чунки, халқимиз қарамлик бўйинтуруғини қайтадан ўз бўйнига осиб қўйишни, оёқ-қўлларига янгидан кишан солинишини истамайди ва бундай уринишларга йўл қўймайди. Биз бундай иттифоқлардан тўйганмиз!

Чет элларда пайдо бўлиб, ўз таъсир доирасига бизнинг юртни ҳам тортишни режалаштирган ва бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ақидапараст кучларнинг мамлакатимизга қарши ҳаракатлари анча жонланди. Ислом дини билан ниқобланган ваҳҳобийлик, «Ҳизбут-таҳрир», «Мусулмон биродарлар» ва бошқа, хорижий ҳомийлар ҳамда молиявий манбалар кўмагида пайдо бўлган, ақидапарастлик оқимларининг мамлакатимиздаги вакиллари айрим эътиқоди суст, маънавиятдан йироқ, мустақиллик ҳар бир фуқаронинг елкасига катта масъулият юклашини англаб етмаган ёшларни алдаш, қуруқ ваъдалар бериш воситасида ўз тўрларига илинтириб, конституциявий тузум, давлат ҳокимияти идораларига, киндик қонлари тўкилган муқаддас Ватанга қўл кўтаришга ундадилар. Тошкентдаги 1999 йил 16 февралдаги террорчилик амаллари бугунги кунда ушбу аксилислоҳотчиларнинг ярамас башарасини очиб ташлади. Ҳар қандай тараққиётга (у қайси заминда бўлишидан қатъий назар), ислоҳотларга қарши бўлган бундай унсурлар — барча мусулмон мамлакатларини, барча мўминларни, қолаверса бутун дунёни, бани башарни ўрта асрчилик тартиботларига қайтаришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган кечаги кун кишилари!

Айни пайтда, Ўзбекистонни озод ва обод Ватанга айлантириш мақсадида бошланган тақдиршумул ишларга халақит бераётган, тараққий этган давлатлар даражасига чиқиб олиш томон ҳаракатимизни сусайтираётган, ислоҳотлар душманлари тегирмонига сув қуяётган бошқа салбий омиллар ҳам мавжудки, уларни пайқаш, билиш, тушуниш оддий одам учун осон иш эмас. Лоқайдлик, бюрократлик, сансалорлик, тўрачилик, таъмагирлик, порахўрлик, коррупция, уюшган жиноятчилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, тажовузкор миллатчилик ва бошқалар... Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида бекорга уларнинг аксариятини мустақиллигимизга, ислоҳотларимизга, истиқболимизга жиддий таҳдидлар қаторига киритмади. Афсуски, ҳаётимизда учраётган ушбу иллат ва нуқсонларнинг иқтисодиётга, маънавиятга, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига, мамлакатимизнинг нуфузига салбий таъсири оз эмас.

Мамлакатимиз йўлбошчисининг қатор вилоятларда бўлиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб ташлашидан кўриниб турибдики, айрим маҳаллий раҳбарлар жойларда ислоҳотлар боришига танқидий кўз билан қарашдан йироқдалар, уларнинг атрофидаги фаоллар эса аҳволни кўра туриб, ўзларини билмасликка уряптилар. Қачонки, мамлакат Президенти бориб, хатоларни кўрсатса, тўраларни танқид қилса, маъқуллаймиз. Бу «Олма пиш, оғзимга туш!» қабилидаги боқимандаликнинг бир кўриниши, ушбу касалга чалинганлар аксилислоҳотчилар эмасми?

Албатта, давлат раҳбарининг сиёсатини, йўл-йўриқларини қўллаб-қувватлаш лозим. Лекин бу муҳим ишларда бизнинг фуқаролик ҳиссамиз қани? Модомики, биз фуқаролик жамиятини қуришга киришган эканмиз, уни биз учун бировлар эмас, балки ўзимиз ўз қўлимиз билан, ақл-заковатимизни ишлатиб бунёд этишимиз даркор. Фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат фаоллиги юқори бўлса, ҳар қандай аксилислоҳотчиларнинг ёвуз ниятлари пуч, режалари барбод бўлгай!

Собир ҚУРБОНОВ

Сайловдаги ғалаба байрам қилинди

Венесуэлла Президенти Уго Кавес тарафдорлари ассамблеяга бўлиб ўтган сайловдаги ўзларининг катта ғалабаларини байрам қилишди. Бу ассамблея ярим йил давомида мамлакатнинг янги конституциясини яратиши зарур. Кўпчиликнинг фикрича янги ассамблея мамлакатни тамоман ўзгартириб юборади. Сайлов участкалари ёпилгач Кавес тарафдорлари янги ассамблеяда кўпгина ўринларни ишғол этганлиги маълум бўлди.

ДУНЁ ДАРЧАСИ
Ҳаёт бугун келажак
дунё ўзгаришлари
кундолик
даврий
сафсата
мафкура
воситаси
ҳаёт
ҳаёт
ҳаёт
спесия тилим
ер ости
ер ости
ер ости

«Ҳаммабоп» жазо

Дунёда турфа хил жиноят содир этилади. Лекин жазоларниям турфа хили бор дейиш унчалар тўғри эмас. Лекин хорижда биз кўп эшитмаган жазолар ҳам бор. Масалан «уялтириб» жазоланган айбдорни биласизми? Билмассиз. Мен ҳам энди эшитганим.

Ирландиялик Кевин Маккросан шундай жазоланган. 19 яшарлик Кевинни пивохўр дейиш қийин-у, лекин бир сафар «хурмачаси»дан ортиқча ичиб юборди. Ирландия бирлашган банки биноси ёнидан ўта туриб қовуғи бўш йигит уйгача чидолмади... Бу «хурмача қилиқ» унга жуда қимматга тушди.

Дублин шаҳрининг марказий О'Коннел-стрит кўчасида полициячилар йигитни бўйнига «узр сўрайман» деган ёзувни осиб, уч соат туришга мажбур этди.

Кевинни судья Виллиам Ирли шундай «уялтириш» жазосига лойиқ топди. Ирландияликлар ўзгаларнинг меҳнатини жуда қадрлашади. Дублин кўчалари топ-тоза. Шаҳарда яшовчи Жон Хартингтон кўча четига бутилка ташлагани учун О'Коннел-стритни у бошидан бу бошигача супуриб чиқиб «уялтириш» жазосини олганди.

Бундай ўйласак, бу жазо ер куррасининг исталган бурчида қўлласа арзийдиган «халқаро» жазога ўхшаб кетади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, «Чимкент тракти» да жойлашган 2-сонли АЁҚШнинг 1999 йил 29 июль, 5,18,31 август кунларида ўтказиладиган кимошди савдосидан олинганлигини маълум қилади.

«Савдогарбанк» Амалиёт бошқармасининг

аризасига асосан Чиноз туманидаги Доимий ҳаракатдаги улгуржи бозорни банкрот деб эътироф этиш бўйича Тошкент шаҳар Хўжалик суди 14 июль 1999 йилда № 530-сонли ажрим чиқарди. Чиноз туманидаги

Доимий ҳаракатдаги улгуржи бозор

кредиторларининг 1-йиғилиши 1999 йил 28 июль соат 8.00 да «Савдогарбанк» Амалиёт бошқармаси

Манзил: Тошкент шаҳри Сайид Барака кўчаси, 76-уй. Тел: 55-73-07; 55-76-85

«Савдогарбанк» Амалиёт бошқармасининг

аризасига асосан «Олмос дурлари» ишлаб чиқариш-тижорат фирмасини банкрот деб эътироф этиш бўйича Тошкент шаҳар Хўжалик суди 14 июль 1999 йилда № 531-сонли ажрим чиқарди.

«Олмос дурлари»

ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси кредиторларининг 1-йиғилиши 1999 йил 28 июль соат 8.00 да «Савдогарбанк» Амалиёт бошқармаси биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Сайид Барака кўчаси, 76-уй. Тел: 55-73-07, 55-76-85

Ўзбекистон Металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси

Сабзавот ва меваларни консервалаш учун 3 литр ҳажмдаги шиша идишларни – 1 та идишни 45 сўм нархида чекланмаган миқдорда

СОТАДИ

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, «Ўзметкомбинат» АИЧБ. Телефонлар: код (291) 3-18-11, 3-19-07.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

❒ **Мудирлар:**

туризм сервиси, халқаро туризм менежменти, туризм маркетинги

❒ **Профессорлар:**

туризм сервиси (1), халқаро туризм менежменти (2), туризм маркетинги (1)

❒ **Доцентлар:**

туризм сервиси (2), халқаро туризм менежменти, (2). туризм маркетинги (2)

❒ **Катта ўқитувчилар:**

туризм сервиси (1), халқаро туризм менежменти, (2). туризм маркетинги (1)

❒ **Ассисетентлар:**

туризм сервиси (1), халқаро туризм менежменти (1), туризм маркетинги (1).

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзилимиз - 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси-49.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРИ БЎЛГАН ЗАМОНАВИЙ, ИШОНЧЛИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ —

«АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» йўл чекларини ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЭНДИ ЧЕТ ЭЛДА ЮРГАНИНГИЗДА ПУЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ АНЧА ҚУЛАЙ БЎЛАДИ.
«АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» ЙЎЛ ЧЕКЛАРИ БУТУН ДУНЁДА ЭНГ ОММАБОП ТЎЛОВ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС:



- «Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШ да эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;
- миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;
- «Американ Экспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;
- йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан ҳоли қилиб олишингиз мумкин . Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса, пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;
- чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъи назар , бу пулингизни 100 фоиз ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз, «Американ Экспресс»нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.

NBU

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг.

Алоқа учун телефон: 137-62-83.

СИЗ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ИСТАЛГАН БЎЛИМИДА ЙЎЛ ЧЕКЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САЁХАТДА ЯХШИ ДАМ ОЛИШИНГИЗНИ ВА АМАЛИЙ САФАРЛАРИНГИЗ ҚУЛАЙ ЎТИШИНИ ТИЛАЙМИЗ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 22.19
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83